

лет  
020219

40601528-СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“26” Янвир 2022 йил

Термиз ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Сурхондарё филиали Термиз шаҳар телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Б.Жумаев (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Вилоят кўп тармоқли ТИШБИСТ ширкати номидан Низом (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи бош директор Б.Мамматов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигини келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 3 000 000  
(Уч миллион сўм) сўм ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ сўм миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исалмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёр равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда



кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирлан такдирда, Оператор кейинги календарь ойида такдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган такдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солуви қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.



7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган такдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган такдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган такдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусxada расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<p>“Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали Термиз шаҳар телекоммуникация боғланмаси Манзил: Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838420; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 76228-50-12; E-mail: surtel@uztelecom.uz;</p>	<p><b>Surxondaryo viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi</b> Manzil: Termiz sh., Chalishev k., 2-uy STIR: 200478064, OKONX: 91511. Tel: 8 376 223-74-08, faks: 8 376 223-70-54. O'z Resp. Moliya Vazirligi G'aznachiligi Toshkent shahar, XKKM H/r: 23402000300100001010 Sh/hr: 100021860224017073101054001 MFO: 00014 STIR: 201122919.</p>
<p>Оператор томонидан: 1.  Б.Жумаев /имзо/</p>	<p>Абонент томонидан:  Б. Муродов /имзо/</p>
<p>М.ў.</p>	<p>М.П.</p>



26. 01. 2022 йил



Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

Т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	Ойлик миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Бирмарталик тўловлар</b>						
1.1	Интернет	—	Нархнома	—	—	—
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	Интернет	300000	Нархнома	3	1000000	391304
Жами (олдиндан тўлов)		3000000 (уч миллион) сўм.				

Жами олдиндан тўлов миқдори \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорда.

Шартноманинг умумий миқдори \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўми ташкил этади.

Ундан \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдорда ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм бир мартабалик статик IP технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**

“Ўзбектелеком” АК  
Сурхондарё филиали Термиз шаҳар  
телекоммуникация боғланмаси

**АБОНЕНТ:**

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Бошлик Б.Жумаев  
/имзо/  
м.ў.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
/имзо/  
м.ў.

